



# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 9 октябрь, № 196 (5111)

Шанба

## Бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин ифодаси

**Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти ва қудрати мустақиллик йилларида яққол намоён бўлмоқда, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Зотан, Президентимиз раҳнамолигида республикамизда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари кўлами йил сайин кенгайтирилиб, шаҳару қишлоқларимиз кўркам кифо касб этаётир.**

### Ислохот


Жорий йилнинг биринчи ярмида қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11,5 фоиз ўсгани, 4417,5 минг квадрат метрлик тураржойлар фойдаланишга топширилгани шундан далolat беради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, барпо этилаётган замонавий уй-жойлар ва йирик иншоотлар қурилиш материаллари саноатининг ҳам жадал ривожланаётганини англатади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда асосий қурилиш ашёлари, жумладан, цементга бўлган эҳтиёж юртимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан қондирилмоқда. Бунда маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш устида доимий изланаётган "Оҳангаронцемент" ОАЖ жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Аниқроғи, ҳозирги кунда ушбу корхона ички бозордаги талабнинг учдан бир қисмини таъминламоқда.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган цементнинг сифат кўрсаткичлари юқорилиги боис, ундан йирик қурилиш лойиҳаларида кўп фойдаланилаётир. Масалан, "Оҳангаронцемент" маҳсулотлари пойтахтимизда барпо этилган "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, муҳташам спорт мажмуаси, Навоий шаҳри аэропорти базасида бунёд қилинган логистика маркази қурилишига етказиб берилди. Айна пайтда яна кўплаб қурилиш объектларига маҳсулот пешма-пеш жўнатишмоқда.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: автожамланма бошлиғи Эргаш Бўтабоев ва ҳайдовчи Артём Коротков.

### МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар,  
янгиликлар,  
хабарлар

### Экспорт ҳажми ошмоқда

**БУХОРО.** Ромитан туманининг Қалайчорбоғ қишлоғидаги "Имидж-текстиль" масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий хом ашёдан газлама, сочик, кўрпачушак жилдлари тайёрлаш йўлга қўйилганига ҳали кўп бўлгани йўқ.

Шунга қарамай, бу ерда маҳсулот сифатига катта эътибор берилаётганили сабабли "Имидж-текстиль"нинг чет эллик мижозлари сони ортиб бормоқда. Хусусан, жамиятнинг 74 кишилик жамоаси жорий йилнинг ўтган даврида 150 минг АҚШ долларлик маҳсулотни экспорт қилишга эришди.

И. ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Сержило илақлар — жаҳон бозорига

**НАМАНГАН.** Замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган "Heil silk" қўшма корхонасида янги қувватларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига экспорт салоҳияти 20 фоизга ортди.

Хусусан, "Heil silk" тамғаси билан жорий йил бошидан бунён хорижлик ҳамкорларга 635 минг АҚШ долларлик ипак калаваси етказиб берилди. Корхона жамоаси ушбу кўрсаткични йил охирига қадар 1 миллион АҚШ долларига етказишни режалаштирмоқда.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Касаначилар сафи кенгаймоқда

**АНДИЖОН.** Асака туманининг Асака маҳалласидаги каровис бино ҳашар йўли билан қайта таъмирланиб, касаначилик марказига айлантирилди.

35 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган ушбу цехда турли хил дўппилар ва кўрпа-тўшак жилдлари тайёрланмоқда.

Айтиш кераки, ҳозирда вилоятдаги 862 та маҳаллада ташкил этилган ана шундай маъшият қўрсатиш шохобчаларида беш минг нафардан зиёд хотин-қиз фаолият юритаётир.

О. ШОДНОАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### 65 хил хуштаъм нон маҳсулотлари

**НАВОЙ.** "Учқудук нон" масъулияти чекланган жамияти бозор талаблари асосида, парҳезбон нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Бунинг учун хориждан 45 минг АҚШ долларлик замонавий технологиклар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозир 12 кишилик корхона жамоаси кунига бир ярим тонна унни қайта ишлаб, аҳоли дастурхонига 65 хилдаги хуштаъм нон маҳсулотларини тортқ этмоқда.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



Дунё бўйича ҳар йили ўртача 25 миллион тонна пахта толаси етиштирилади. Шунча миқдордаги қимматбаҳо саноат хом ашёси тайёрланишида Ўзбекистонимизнинг муносиб улуши бор, албатта. Чунки мамлакатимиз жаҳонда пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича эса учинчи ўринда туради.

## ЎЗБЕК ТОЛАСИГА ДУНЁ ХАРИДОР

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида республикамизда пахта етиштириш ва қайта ишлаш тизими тубдан такомиллаштирилгани тола сифатини яхшилаш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш имконини берди. Айниқса, кейинги йилларда дунёда тўқимачилик ва енгил саноат тараққий этаётган давлат борки, юртимиз томон таъминмоқда. Улар серкўш заминимизда етиштирилган сифатли пахта толасини сотиб олишдан умидвор. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилиб, анъанавий ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бу борада қайта ишловчилар учун катта имконият эшигини очиб берди: улар ўзбек пахтаси ва толасини воситачиларисиз, яъни тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан харид қилишмоқда. Шу боис мазкур нуфузли тadbирга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётир.

Шу йил 13-14 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтаётган VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида савдолар Ўзбекистон "Сифат" пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан 2010 йил пахта ҳосилидан тайёрланган тола намуналари асосида амалга оширилди.

— Мамлакатимизда истиклол йилларида пахта толасини халқаро стандартларга мувофиқ сифат-

фикатлаштиришнинг янги тизими жорий этилди, — дейди Ўзбекистон "Сифат" пахта толасини сертификатлаш маркази бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Бойқонов. — Марказимиз илмий фаолиятининг бош йўналиши ҳам ўзбек пахта толасини сертификатлаштиришнинг такомиллаштириш ҳамда унинг жаҳон бозорига раҳобатбардошлигини ўрганишга қаратилган. Олиб борилган тадқиқотлар ўзбек пахта толасининг сифати бошқа мамлакатларникидан кам эмаслиги, балки бир қатор кўрсаткичлар бўйича улардан устуңлигидан далolat бермоқда. Бунга гўза навларнинг тўғри танлиниши, хусусан, микронейр кўрсаткичи 4,9 дан юқори ва 3,5 дан паст бўлган навларнинг барта-раф қилиниши эвазига эришилди. Ҳозирги кунда республикамизда тола-ни қайта ишловчиларнинг барча талабларига тўлиқ жавоб берадиган саноатбop навлар етиштирилмоқда.

Дарҳақиқат, сифатли пахта етиштириш гўза навидан бошланади. Шу боис асосий майдонларда селекциячи олимларимиз томонидан яратилган серхосил, тезпишар, муҳита мослашувчан, турли касаллик ва зараркундаларга чидамли, энг муҳими, сифатли тола берадиган навлар экилмоқда. Ўз навбатига, хом ашёни технологик талаблар асосида қайта ишлашни тако-

миллаштириш мақсадида "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тасарруфидаги пахта тозалаш корхоналари қайта жиҳозланиб, модернизация қилинаётти. Буларнинг барчаси жаҳон бозорига талаб юқори бўлган тола олиш имконини бераётир. Масалан, ўтган йили тайёрланган пахта толасининг 91 фоизи "Олий-Яхши" синфига мансуб деб топилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 95 фоизни ташкил қилаётти.

Толани таснифлаш ва сертификатлаш соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли у халқаро пахтани синг тизимига тобора интеграциялашиб бораётир. Марказ лабораториясига эмас, балки унинг жойлардаги 35 та худудий лабораторияси энг замонавий — НВИ тизимидаги асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани бунинг ёрқин далилидир. Бу ерда илгор технологиялар ёрдамида пахта толаси тойма-той синовларга асосланган ҳолда, яъни ҳар бир тойдан намуна олиниб, тола-нинг узунлиги, пишқиллиги, микронейри, ифлослиги, чўзинчоқлиги каби хусусиятлари тезда аниқланади. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай тизим дунёда пахта етиштирувчи 70 дан зиёд мамлакатларнинг аксариятида ҳали жорий қилинмаган.

(Давоми 2-бетда).

## САЙЁҲЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО)нинг Буюк Ипак йўлида сайёҳликни ривожлантириш масалаларига бағишланган навбатдаги мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирмалари ва компаниялари вакиллари, соҳа мутахассислари, олимлар ва экспертлар, шунингдек, ЮНВТОнинг Буюк Ипак йўли лойиҳасига аъзо давлатлар миллий сайёҳлик ташкилотлари, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этмоқда. Тадбир БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ҳамда "Ўзбектуризм" миллий компанияси томонидан ташкил этилди.

Маълумки, жаҳон цивилизацияси ривожига Буюк Ипак йўлининг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Мазкур карвон йўллари азалдан Шарқ ва Ғарбни бир-бирига боғлаган. Бугунги кунда эса бу афсонавий кўприк жаҳон халқлари-

нинг тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим аҳамият касб этаётти. "Буюк Ипак йўли" лойиҳаси орқали замонавий халқаро туризмга асос солинмоқда. Ўзбекистон мазкур лойиҳага жаҳон мамлакат-

### Анжуман

лари орасида биринчилардан бўлиб аъзо бўлганлиги боис унинг ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Республикаимиздаги 4 мингдан зиёд тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКО муҳофазасига бежиз олинмаган. Ана шу осорياتикаларнинг аксарият қисми Самарқанд худудига жойлашган. Жумладан, Ҳазрати Хизр, Шоҳи Зинда, Амир Темур, Бибихоним, Регистон мажмуаси, Оксарой,


Рухобод, Имом Бухорий, Имом Мотуридий каби қадимжолар нафақат мамлакатимиз аҳлини, балки дунё сайёҳларини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Регистон майдонидаги Улугбек мадрасасида бўлиб ўтган йилги ишнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, таъши иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э. Ғаниев, БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Бош қотиби Т. Рифай жаҳон туризмнинг ривожланишида "Буюк Ипак йўли" лойиҳасининг аҳамияти, унда Ўзбекистоннинг фаол иштироки, мустақиллик йилларида сайёҳлик соҳасида тобора мавқеи юксалиб бораётган қадимий ва нақирон Самарқанднинг ўтмиши ва бугунги ҳақида сўз юритдилар.

(Давоми 4-бетда).

## ТОШКЕНТДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида таэквондо "пумсе" бўйича ўсмирлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида V жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



Тadbирда таъкидланганидек, юртимизда Президентимиз раҳна-

молигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак даража-

даги эътибор туфайли ҳамюртларимиз Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатла-

### Халқаро турнир

рида муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда.

Айтиш жоизки, жорий — Баркамол авлод йилида ҳам спортчиларимиз қатор нуфузли мусобақаларда салмоқли натижаларга эришмоқдалар. Жумладан,

бадий гимнастика, оғир атлетика, эркин ва юнон-рум, хотин-қизлар кураши бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осие қитъаси Олимпиада саралаш беллашувларига Тошкент шаҳри мезбонлик қилди. Энг муҳими, ушбу мусобақаларнинг барчасида вакилларимиз етакчилар сафидан жой олишди. Ўзбек ўғлини Равшан Эрматовнинг футбол бўйича жаҳон чемпионати учрашувларини муваффақият билан, бехато бошқаргани ҳам мамлакатимиз спортини дунёга янада танитишда муҳим омили бўлиб хизмат қилди.

(Давоми 4-бетда).

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ САМАРАЛАРИ

Жорий йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаз, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси бўйича жами

1 триллион 924 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди.

Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Президентимиз томонидан 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган берилган устувор вазифаларни бажариш орқали ана шундай ижобий натижалар кўлга киритилди.

БИР РАҚАМ  
ШАҲИ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самараси, кўп жihatдан, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва доимий комиссиялар фаолиятининг изчиллигига боғлиқ. Бу борада давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисида таъкидлаганидек, ҳаётий масала ва муаммолар ечимларини вақтида илгаш, умумий гаплардан амалий фаолиятга ўтиш, сайловчилар билан ҳамкорлик қилишининг самарали усулларидан фойдаланиш, қонун ва қарорларнинг ижросини назорат қилиш, айниқса, аҳамиятлидир.**

# ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА ФАОЛЛИК УЙҒУНЛИГИ

— Бундай ёндашувлар биздан кундалик юмушлар моҳиятини тараққот англаш, маҳаллий Кенгашлар ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, бурч ва ваколат доирасидаги масъулият юкни ҳис этишни тақозо қилади, — дейди халқ депутатлари Шўрчи тумани Кенгаши Кишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Файзулла Хамидов.

Мазкур комиссиянинг иш режаси пухта. Унда асосий эътибор бугунги куннинг долзарб мавзуларига, сайловчилар дилида турган масалаларга қаратилган. Жумладан, вилоят ҳокимининг 2009 — 2012 йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироғига қарши қабул қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини 35 фоизга кўпайтириш ва маҳсулот таннархини 20 фоизга қамайтириш тўғрисидаги қарори асосида тумандаги томорқа хўжаликлари ўз

имкониятларидан қандай фойдаланаётгани ўрганиб чиқилгани ҳам шундан далolat бериб турибди. Зеро, ички бозорни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдиришда шахсий томорқа хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Тумандаги томорқачилар ўз тасарруфиди 4 минг 638 гектар томорқада сабзавот ва полиз экинларидан ҳар йили мўл ҳосил етиштираётир. Бозор расталари ободлиги эса 529 гектар бог ва тоқзорларда ишлаётган миришкорлар меҳнати мевасидир. Кўрасида озиқ-овқат ва новвос боқатган оилалар ҳам кам эмас.

Бундай ибратли ишларни қайди этиш баробарида, комиссия аъзолари асосий эътиборни ечимини кутаётган масалаларга ҳам қаратишмоқда. Масалан, ўрганиш ва таҳлил жараёнида "Шўрчи" қишлоқ фуқаролар йиғини худудидида майдони 100 гектардан ошмиқ томорқаларда турли сабабларга кўра экин экилмагани, то-

## Маҳаллий Кенгашларда

қарорлар йиғинлари фаолларнинг ташаббускор эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Муҳими, ушбу масалаларга ижобий ечимлар топилади.

Шу кунларда эса комиссия аъзолари балиқчилик, асаларчилик билан шуғулланаётган тадбиркорларга банкдан кредит ажратишни йўлга қўйиш, зооветеринария хизматини тубдан яхшилаш, қўраларни зотдор моллар билан тўлдириш ҳамда омихта ем етказиб берадиган шохобчалар фаолиятини яхшилаш масалалари билан кўзиқмоқда. Айни чоғда улар атроф-муҳит тозаллиги ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни ўтказишда туман Кенгашига

камарбаста бўлишайтир. Масалан, комиссиянинг марказий бозор чоррахасидаги ер ости йўлини таъмирлаш, ундан фойдаланишни йўлга қўйиш тақлифи Кенгашнинг эътиборига тушди ва бу тақлиф сессия муҳофазасига киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон

Республикасининг "Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунларининг ижроси юзасидан санаот ва қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботи тингланб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бундай изланишларни Кенгашнинг Ижтимоий-маданий ривожлантириш, соғлом авлод ва ёшлар сиёсати масалалари доимий комиссияси фаолияти мисоллида ҳам кузатиш мумкин. Ушбу комиссия шунчаки расмиятчилик, ҳужжатлар жиддини кўпайтириш учун эмас, балки одамлар манфаатларини ҳимоя қилиш, кунда-

лик ҳаётда уларга ҳамнафас, ҳамфир, ҳамдард бўлиш учун ишлайди. Режада кўзда тутилган масалаларнинг ижтимоий қамровини очиб беришга ҳаракат қилади. Бевоқиф шу комиссия ташаббуси билан "Тумарис спорт ўйинлари" фестивали, "Маҳалла спортчилари" каби мусобақалар ўтказиб келинаётир. Бундан ташқари, "Ватанпарвар" ташкилотининг туман бўлими қошидаги аёлларни соғломлаштириш маркази замонавий тарзда жиҳозланб, 50 нафар хотин-қиз бу ерга жалб қилинди ҳамда сайловчиларнинг муҳофазатлари асосида депутатлик сўровлари ташкил этилди.

Ушбу доимий комиссия раиси Бахтинисо Холмўминованинг айтишича, ҳар бир масаланинг моҳиятини вақтида илгаш, уни тўғри баҳолаш ва амалий ёндашув, ўз навбатида, эзгу мақсадларни рўйга чиқаришга йўл очади. Бу ерда ана шундай ишлар йўлга қўйилган. Чунончи, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишдаги айрим жўзвий ҳолатлар ҳам комиссия аъзоларининг эътиборидан четда қолмапти. Яъни ушбу масала депутатлар томонидан ўрганилиб, унга тегишли баҳо берилмоқда.

Кисқаси, халқ депутатлари Шўрчи тумани Кенгаши доимий комиссияларининг қизгин фаолияти ва депутатлар ташаббускорлиги бу ердаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни шу жойнинг ўзида ҳал қилиш имконини бермоқда. Зеро, бундай амалий тажрибалар кучли фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим аҳамиятга эга.

Кисқаси, халқ депутатлари Шўрчи тумани Кенгаши доимий комиссияларининг қизгин фаолияти ва депутатлар ташаббускорлиги бу ердаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни шу жойнинг ўзида ҳал қилиш имконини бермоқда. Зеро, бундай амалий тажрибалар кучли фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим аҳамиятга эга.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ЎЗБЕК ТОЛАСИГА ДУНЁ ХАРИДОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Марказ мутахассисларининг таъкидлашича, соҳага жаҳон ютуқлари ва илгор технологияларни татбиқ этишда халқаро алоқалар яхши йўлга қўйилгани, айниқса, қўл келаяпти. Бинобарин, ҳозирги пайтда "Сифат" маркази Халқаро пахта кўмиталари, хусусан, Халқаро пахта маслаҳатчилари кўмитаси, Бремен ва Гдинья пахта ассоциациялари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Чет эллик мутахассислар кўмағида кўплаб лойиҳалар рўйга чиқарилаёпти. Халқаро сифат тизимларини жорий этиш мақсадида ISO-2001 стандарти бўйича хизматларни

кўрсатиш амалга оширилаётгани бунга мисол бўла олади.

Қисқаси, мамлакатимизда пахта етиштириш ва қайта ишлаш соҳасидаги туб ислохотлар тўғрисидаги ўзбек пахта ва толасининг шуҳрати дунё кезмоқда. Жаҳондаги йирик тўқимачилик ва энгил санаот корхоналари раҳбарлари уни биринчи қўлда харид қилиш ниятида ҳар йили Тошкент томон ошиқди. Чунки сифатли маҳсулот сифатли хом ашёдан тайёрланиши айна ҳақиқат. Зеро, ўзбек толасининг рақобатбардошлиги унинг сифат кўрсаткичлари юқорилиги билан изоҳланади.

Р. САИДОВ.

## Тадбир

Пойтахтимизда Ўзбекистон билан Германия ҳамкорлигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

## ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЯДИ

"Катагон қурбонлари хотираси" музейи ҳамда Германиянинг Конрад Аденаур номидаги жамағармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тарихчи олим ва ёш тадқиқотчилар, олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этиди.

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти С. Фуломов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар маданият ва илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларни юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ортимизда барча жабҳаларда изчил амалга оширилаётган ислохотлар хорижда ҳам катта эътибор ва кизиқиш уйғотмоқда. Бу халқаро ҳамкорликнинг тобора кенгайиши ва мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари жадал ривожланмоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Бу жihatлар илм-фан, таълим ва маданий-маърифий йўналишларда ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Олий таълим тизимида ўқитувчиларнинг ўзаро таъриба алмашиши йўлга қўйилгани, тарихчи олимлар ўртасида Ўзбекистон ва Германия тарихига оид тадқиқотлар юзасидан бир қатор лойиҳалар амалга оширилиб, илмий анжуманларнинг мунтазам ўтказилаётгани бунинг далилидир.

Давра суҳбатида Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги илмий-маърифий алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда кенгайтириш оид маърузалар тингланди.

Нозокат УСМОНОВА, ўЗА мухбири.

# БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бошқача айтганда, шу йилнинг ўтган даврида 1 миллион 8,5 минг тонна клинкер, 1 миллион 297,1 минг тонна цемент, шунингдек, 803,5 куб метр минерал момиқ маҳсулотлари тайёрланди.

— Ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни изчил татбиқ этиш санаот корхоналари ривожининг

гаровидир, — дейди "Охангортсемент" ОАЖ бош директори Денис Доценко. — Шунинг учун корхонамизда модернизациялашга жиддий эътибор қаратаёلمиз. Ушбу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2007 — 2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари санаоти корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш

дастури тўғрисида"ги қарори муҳим асос бўлмоқда. Корхонада технология янгиланган лойиҳалари босқичма-босқич рўйга чиқарилаёпти. Уларнинг доирасида кейинги йилларда шлам харажати ўлчайдиган ускуна ўрнатилди, печлар корпусларининг айрим қисмлари янгиланди, клинкер транспортёрлариغا замонавий конвейер тарозилари қўйилди, цемент-

ни майдалаб янчиш цехи алмаштирилиб, тегири монни ишга солуви тўртта замонавий редуктор ўрнатилди. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, моддий ресурсларни тежаш, энг муҳими, маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш имконини бераёпти. Натижада шу йилнинг биринчи ярмида корхонада "ISO-9001:2008" сервисидаги халқаро стандартга мос

келадиган сифат менежменти тизими жорий қилинди. Пировардида ички ва ташқи бозорда маҳсулот рақобатбардошлигини кучайтиришга кенг йўл очилди.

— Жорий йилнинг тўққиз ойида 254,7 минг тонна цемент экспорт қилдик, — дейди корхонанинг савдо бошқармаси бошлиғи Дилора Шерматова. — Яна кўплаб буюртмалар олмагимиз. Мамлакатимизда экспортчи корхоналар ҳар томонлама кўллаб-қувватланаётгани, замонавий транспорт инфраузими яратилаётгани зиммамиздаги вазифани тўла уддалаб, экспорт ҳажмини янада ошириш имконини бераёпти.

Соҳа мутахассислари цементни "қурилиш хамиртуруши", дея юксак баҳолайдилар. Чиндан ҳам, хамиртуруши нон пиширилмагани каби цементсиз иморат тиклаб бўлмайдими. Бу охангаронлик санаотчиларни бунёдкорлик ишларининг асоси ҳисобланган юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, юртимизнинг гўзал ва обод бўлишига муносиб уллуш қўшишга ундамоқда.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



СУРАТДА: қоплаш бўлимида иш қизгин.

— Бозор юрдаги маъмурчилик, тўқинлик ва фаровонликнинг қай даражада эканини, нарх-наво, одамларнинг турмуш даражасини кўзгу каби акс эттиради, — дея мулоҳаза юрлатади Избоскан туманидаги "Яккатутлик Абдуллажон" фермер хўжалиги раҳбари А. Ҳошимов. — Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

# ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР

аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишда катта роль ўйнамоқда

Дарҳақиқат, юртимиз бозорларидан қишин-ёзин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аримайди. Гуруч, нўхат, ун сингари кундалик эҳтиёж маҳсулотлари аввалги йиллардагига нисбатан анча арзонлашди. Картошқа, қарам, сабази-пиёзнинг баҳоси барқарорлигича турибди. Хўл мева, полиз маҳсулотларининг нархи ҳам бир вақтларда бўлган сингари "сақраб" кетаётгани йўқ. Буларнинг бари замин зарғарларининг ҳар қарич ердан оқилона, омиқорлик билан фойдаланаётганликлари, бўш турган майдонларни бог-роғларга айлантараётганликлари самараси, албатта.

Маълумки, гўшт, сут ва туҳунинг истеъмол бозоридида ўз ўрни бор. Вилоят ҳокимлиги аҳолининг ушбу маҳсулотлар-

га бўлган талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, гўшт ҳамда туҳум тайёрлашни кўпайтириш, уларнинг нархини арзонлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Чорвачилик йўналишидаги 486 та фермер хўжалиги, 87 та паррандачилик, 109 та балиқчилик хўжалигининг фаолияти чуқур таҳлил этилди. Андижон шаҳри ҳамда туманлар мақолаларида фермер хўжаликлари қарашли гўшт ва туҳум сотишга мўлжалланган дўконлар фаолияти йўлга қўйилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 10 январдаги йиғилиши баёнига кўра, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси таркибига кирувчи пахта тозалаш корхоналари негизидида 10 минг бошдан товуқ боқишга мўлжал-

ланган хўжаликлар ташкил этиладиган бўлди. Бундан ташқари, "Андижоннефть" унитар корхонаси тизимига кирувчи 96 та нефть маҳсулотлари қўйиш шохобчасининг ҳар бирида 200 бошдан, жами 19 минг 200 бош, "Қишлоқхўжалиқимё" очиқ акциядорлик жамияти тасаруфидида 71 минерал ўғит тарқатиш шохобчасида 14 минг 200 бош паррандани парвариш қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Тўғри қарор ва унинг ўз вақтида ҳамда мунтазам ижро этилиши қўзланган мақсадларга эришининг бош омилдир.

Чиноб пахта тозалаш корхонаси қошида инкубатория

бир четида икки қаватдан иборат иччам товуқхона ташкил этилди, — дейди Олтинқўл туманидаги "Туркистон" минерал ўғитлар тарқатиш шохобчаси хизматчиси Шокиржон Болтабоев. — Чинобдаги пахта тозалаш корхонаси қошидаги инкубаториядан 200 бош жўжа келтирилди. Айни пайтда товуқларимиз туҳумга кирган. Туманимиздаги бошқа шохобчаларда ҳам паррандаларни парвариш қилиш йўлга қўйилгани, айниқса, эътиборлидир.

Андижон туманидаги Храбек қишлоғида жойлашган минерал ўғитлар тарқатиш шохобчасида ҳам етти хазинанинг бири саналмиш паррандачиликка жиддий эътибор қаратилмаётир. 200 бош товуқдан

ташкил этилди. 33,4 минг бош жўжа жойлардаги шохобчаларга етказиб берилди. "Асака-парранда" масъулияти чекланган жамиятида эса "Ломани браун" зотли 100 минг бош жўжа парвариш қилинаётир. — Шохобчамиз ховлисининг

кунига 150-170 донадан туҳум олинмоқда ва улар шу ерда ишловчиларга арзон нархларда сотилаёпти.

Аҳамиятлиси, ушбу туманда бу сингари шохобчалардан яна учта бўлиб, уларда жами 1200 бош парранда парвариш қилинмоқда.

— Балиқчи туманидаги "Намуна" аҳоли яшаш пунктида 800 бош паррандага мўлжалланган махсус товуқчилик хўжалиги ташкил этганмиз, — дейди "Навоий" шохобчаси раҳбари Мўминжон Уматов, — Паррандалар марказлаштирилган ҳолда парвариш қилинаётир. Барчаси соғлом. Ҳадемай, туҳум бера бошлайди. Сирасини айтганда, бундай кулайлик ва имкониятлар, бир томондан, аҳолини сифатли ва арзон нархлардаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилаётган бўлса, бошқа томондан, кўплаб янги иш ўринлари яратилишига асос бўлаётир. Бу эса турмушимиз фаровонлиги, юртимиз раванқлиги йўлидаги муҳим омилдир.

Одиган ШОДМАНОЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## 3,2 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЛОЙИҲА

Бирлашган Араб Амирликларининг "Бейдэйл Женеерал Трейддинг" компанияси ҳамда "Сингапур — Самарқанд" хоржиж корхонаси томонидан "Маргилон экскреп" масъулияти чекланган жамиятига асос солинди.

## Яхши хабар

Умумий қиймати 3,2 миллион АҚШ долларлик ушбу лойиҳа ипакни қайта ишлашга мўлжалланган. Корхонада хоржидан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида 450 тоннагача ипакни қайта ишлаш имконияти яратилди.

Эътиборлиси, айни пайтда жамиятнинг 100 кишилик жамоаси хоржиж ҳамкорларга 120 тонна ипак хом ашёсини етказиб беришга тахт қилиб қўйди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### ЖАҲОН 24 соат ичида

#### Даромад миқдори катта

Алюминий ишлаб чиқарувчи "Alcoa Inc" компаниясининг даромади учинчи чорақда сезиларли даражада ошган.

Яъни бу даврда маблаг тушуми 5,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Шундан 61 миллион АҚШ долларини соф фойда ҳисобланади. Мутасаддилардан бирининг айтишича, бундай ижобий натижаларга эришиш замирида аэрокосмос ҳамда жаҳон қурилиш соҳасида мазкур маҳсулотга талабнинг ошиши сабаб бўлган. Айниқса, Хитой, Бразилия ва Хиндистон каби давлатлар энг кўп алюминий сотиб олган.

#### Автомобилсозлар келишуви

Франциянинг "Renault SA" автомобилсозлик компанияси ўзининг маълум бир миқдордаги акцияларини Швециянинг "Volvo" компаниясига сотишга қарор қилди.



Пулланётган акциялар миқдори 14,9 фоизга тенг. Гарчи компания мазкур келишувнинг қий-матини ошкор этмаётган бўлса-да, кузатувчилар олди-сотди 3,15 миллиард Швеция кронасидан камига амалга ошмаслигини билдиришмоқда.

Манбада қайд этилишича, акциялар билан бирга сармоядорлар гуруҳидан 3,8 фоиз овоз ҳам "Volvo" ихтиёрига ўтаркан.

#### Ойлик эълон қилинди

Октябрь ойи АҚШнинг Техас штатида тўнғизларга қарши кураш ойи, деб эълон қилинди.

Худуд полиция комиссари маҳаллий аҳолига мурожаат қилиб, бу ҳайвонларни йўқ қилишда қўмаклашишга чақирди. Чунки айни пайтда тўнғизлар қишлоқ хўжалиги экин майдонларига зарар етказмоқда. На тиждада ўтган ойда ушбу жониворлар туфайли соҳа қарийб 400 миллион АҚШ долларини миқдорда иқтисодий зиён кўрган.

Маҳаллий маъмулрдан бирининг айтишича, уларни йўқ қилиш осон кечмайди. Сабаби, ҳозир Техасда 2 миллионга тўнғиз борлиги аниқланган.

31 октябрда қадар бу тадбирларда кўнгилдагидек самарага эришилса, штат графлиги қишлоқ хўжалиги департаменти томонидан 25000 АҚШ долларини пул, мукофоти билан тақдирланади.

#### Индонезияда zilzila

Индонезияда zilzila содир бўлди.

Бу ҳақда "Рейтер" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Мамлакатнинг Тернат оролидан 200 километр шимол-шарқда кузатишган ер силқинишининг кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,3 баллни ташкил қилган.



Қурбонлар ва тала-фотлар ҳақида маълумотлар йўқ.

#### Фожиа оқибати

Афғонистон жанубида кўнгилсиз воқеа юз берди.

Гап шундаки, АҚШ қуролли кучларига тегишли вертолёт ҳаво ҳужумини уюштираётган пайтда нишонни нотўғри олган. Оқибатда маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идораларининг олти нафар ходими ҳаётдан кўз юмган. Бу ҳақда Ххост музофоти полиция вакили маълум қилди. "Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, воқеа маҳаллий аҳоли ўртасида норозилиқларга сабаб бўлган. Ҳозир мазкур худудда АҚШ қарбийларига қарши намойишлар бошланиб кетган.

#### Ғайритабиий ҳодиса

Хиндистон шарқда жойлашган Бенгал кўрғазига йўлчилар кема-си йўқолиб қолган.

"Hindustan Times" нашрининг ёзишича, воқеа Орисса штати яқинида юз берган. Ғайритабиий ҳодиса юз берган вақт кемада 42 нафар йўлчи бўлган. Уларнинг аксариятини аёллар ва болалар ташкил этади. Ажабланирлиси, худудда ноқулай об-ҳаво кузатилмаётгани. Уни қидириб топшиш тадбирларига кема ва вертолётлар жалб қилинди.

#### Банк тунаб кетилди

Россиянинг Ярославль шаҳридаги тижорат банкларида бири тунаб кетилди.

Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идораларининг хабар беришича, ўғри дераза панжараси орқали ичкарига кирган. Кейин барча пўлат сандиқларнинг эшигини бузиб очган ҳамда 13 миллион рубль миқдордаги маблағни олиб чиқиб кетган.

Ҳозирча жиноятчи ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

#### Кема гаровга олинди

Сомалилик қароқчилар Тайвань мамлакатига қарашли балиқчилар кемасини гаровга олишди.



Бу ҳақда Европа Иттифоқи харбий-денгиз кучлари вакили маълум қилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётида, жумладан, таълим тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилганлигига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалиётга татбиқ этилаётган таълим тизимида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш кўзда тутилган. Мазкур вазифани тўлақонли адо этишининг асосий шартларидан бири — таълим сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат. Бу эса таълим муассасаларида илғор педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш билан чамбарчас боғлиқ.

## ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ

Ушбу йўналишда Гулистон давлат университетида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, университетнинг барча бўлимлари ва кафедралар компьютерлаштирилди. Ҳар бир кафедра камидан битта компьютер синфи, ҳар бир факультет эса ўз мультимедиа ўқиш хоналарига эга. Университетнинг ўқув биносидаги талабалар уйи, "Ёшлар маркази"даги компьютерлар ягона тармоққа боғланган ва улар орқали республика ҳамда жаҳон мамлакатлари ахборот ресурсларига чиқиш имконияти яратилди.

маркази (АРМ) ташкил қилинди. Мазкур марказ устоз-мураббийлар ҳамда талабаларга йўналиш кўрсатиш баробарида, ўз шохобчалари орқали Гулистон аҳолисига, мактаб ўқувчиларига, академик лицей ва коллеж талабаларига ҳам хизмат қилмоқда. Унинг китоб фонди 400 мингдан ошқ манбани ташкил этиб, бу ерда ресурсларни тармоққа боғланган ва улар орқали республика ҳамда жаҳон мамлакатлари ахборот ресурсларига чиқиш имконияти яратилди.


Талабаларнинг ўқув-таълим ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида университет ички "Таълим портали" яратилди. Ушбу порталда ахборот ресурслари факультет ва таълим йўналиши бошқичлари бўйича тизимли ҳолда жойлаштирилди. Ҳар бир таълим йўналишида фанлар бўйича дарслик, ўқув кўрсаткичи, ўқув-услубий мажмуа, маъруза матнлари ҳамда қўшимча материаллар бўлими ташкил қилиниб, улардан фаннинг ўқув дастуридаги асосий ва қўшимча адабиётлар, мўқобил маърузаларнинг электрон вариантлари, мультимедиа дарсликлар, маърузаларнинг тақдимот материаллари, виртуал стендлар, ил-

лабаси ўз логин-паролига эга бўлиб, истаган компьютер хонасидан локал тармоқ орқали интернетдан ва "Таълим портали"дан фойдалана олади. Порталда жойлашган асосий саҳифалардан бири дистант таълим учун тайёрланган саҳифадир. Ундан махсус сиртки бўлим талабалари масофадан туриб фойдаланмоқдалар. Саҳифада on-line мулоқот, on-line форум хизматлари йўлга қўйилган. On-line мулоқот хизматида талабалар масофадан туриб on-line режимида университетнинг профессор-ўқитувчилари билан му-

лоқот қилишлари мумкин. Профессор-ўқитувчиларнинг мулоқот жадваллари саҳифага жойлаштирилган. Бундан ташқари, талабалар on-line форум хизмати орқали ўзларини қизиқтирган саволларни саҳифада қолдиришлари мумкин. Маълум вақтдан кейин берган саволларига

жавобларни шу саҳифадан олади.

Порталда талабалар учун "ZiyoNet" республика жамоат ахборот-таълим портали, мамлакатимизнинг ахборот-коммуникация технологиялари тизимида таълим ресурсларининг ҳажми 160 GBни ташкил қилади. Бу кўрсаткич кундан-кунга ортиб бормоқда. Сабаби, ҳар кун порталнинг қайси бир бўлимига янги ресурслар жойлаштирилади. Ахборот ресурсларини ҳимоялаш мақсадида қайта ишланган манбалар дастлаб бўлим серверига, сўнг университетнинг марказий серверига жойлаштирилиб, фойдаланувчиларга узатилади. Бундан ташқари, барча серверга ҳимоя дастурлари ўрнатилган, қолаверса, ҳар қандай манба маълум муддатда DVD дискларга ёзиб олинади.



Талабаларнинг ўқув-таълим ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида университет ички "Таълим портали" яратилди. Ушбу порталда ахборот ресурслари факультет ва таълим йўналиши бошқичлари бўйича тизимли ҳолда жойлаштирилди. Ҳар бир таълим йўналишида фанлар бўйича дарслик, ўқув кўрсаткичи, ўқув-услубий мажмуа, маъруза матнлари ҳамда қўшимча материаллар бўлими ташкил қилиниб, улардан фаннинг ўқув дастуридаги асосий ва қўшимча адабиётлар, мўқобил маърузаларнинг электрон вариантлари, мультимедиа дарсликлар, маърузаларнинг тақдимот материаллари, виртуал стендлар, ил-

тимизнинг барча олий таълим муассасалари сайтларининг, юртимизда чиқаётган газета ва жур-

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида университетимиз жамоаси томонидан ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига қўллаш соҳасидаги ишларни янада ривожлантириш ва мукамаллаштириш мақсадида Сирдарё вилояти корпоратив ахборот-ресурс тармоғини ташкил этиш ва шу орқали ёшларнинг интернет хизматларига, ахборот ресурсларига бўлган эҳтиёжларини тўлақон қондирилишини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу саъй-ҳаракатлар таълим сифати ва натижадорлигини оширишда, албатта, ўзининг ижобий самараларини беради.

Ҳ. ҚАРИШОЕВ, Гулистон давлат университети проректори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

## ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Мамлакатимизда ёшларни баркамол қилиб вояга етказиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. 2008 йилнинг Ёшлар йили ва жорий йилнинг Баркамол авлод йили деб номланганлиги, тегишли давлат дастурларининг қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳам шундан далolat бериб турибди.

Ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар кўлами нақадар кенг эканини "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга 8 триллион сўм ажратилганлигидан ҳам билиш мумкин. Ёшларга бунчалик катта эътибор қаратилаётгани беҳиз эмас. Зеро, республикамиз аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача, 64 фоизини эса 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Фарона вилояти бўйича кўрсаткичлар ҳам ана шунга яқин.

Буни "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг мақсад-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига кенг тушунтириш юзасидан олиб борилаётган тарғибот ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, шу пайтгача йўналишимиз бўйича юздан зиёд тарғибот тадбири ҳамда қатор семинарлар ўтказилди. Айни қаторда шу мақсадларга хизмат қиладиган турли буклетлар тайёрланиб, жойларга етказиб берилмоқда.

Мазлумки, ёшларни Конституция ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш адилия идораларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бугунги кунда вилояти-миздаги 141 касб-хунар коллежи ва академик лицейда 15 мингдан зиёд, 5 та олий ўқув юртида 20 мингдан ортққ ўғил-қизларимиз таъ-

лим олмақда. Уларнинг барчасини қамраб олиш мақсадида давра суҳбатлари ташкил этилаётган, ОАВда чиқишлар уюштирилмоқда. Ахборот-ресурс марказлари эса ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланиб, ёшлар их-

чамкорликда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда сансалорликка йўл қўйилмаслиги устидан доимий назорат ўрнатилди. Бу борада, айниқса, адилия идораларида ташкил этилган "Ишонч телефони"нинг ўрни катта бўлаётган. Шу йилнинг ўтган даврида ушбу телефонлар орқали 42 та муурожаат тушиб, уларнинг 15 таси қаноатлантирилган, 27 таси бўйича эса ҳуқуқий тушунтириш берилган ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Хусусан, бувайдаллик фермер А. Меликузининг Адлия вазирлигига муурожаати

Рўғаниб чиқилиб, фермерга "Микрокредитбанк"нинг Учкуйрум тумани бўлимидан 8 миллион сўм кредит ажратилишига эришилди.

Умуман олганда, жорий йилда 1360 та ана шундай қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларнинг барчаси бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Ушбу ҳуқуқбузарликларнинг 93 таси ҳокимликлар, 109 таси давлат солиқ инспекциялари, 458 таси тижорат банклари, 67 таси статистика идоралари ходимлари томонидан содир этилган. Ҳозирги натижалари асосида 138 нафар шахсга интизомий жавобгарлик қўлланилди.

Мухтасар қилиб айтганда, вилоят адилия бошқармаси, унинг жойлардаги бўлимлари амалга ошираётган бундай саъй-ҳаракатлар туфайли аҳоли, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий билимлари мустаҳкамланиб бормоқда. Зеро, ҳуқуқий маданияти юксак инсонларгина ҳуқуқий демократик жамиятнинг мустаҳкам пойдеворини қўйишга қодирдир.

Абдуанов МАДАЛИМОВ, Фарона вилояти адилия бошқармаси бошлиғи.

#### Интилиш

Хивалик тадбиркор Азамат Иноятов "Хиваметалсервис" хусусий корхонасини ишга туширди.

#### Тадбиркорлик меваси

Ҳозир бу ерда хориж технологияси ёрдамида 20 дан ортққ турдаги маҳсулот, шу жумладан, металл черепица, темир дарвоза, эшик ва панжаралар тайёрланмоқда. Корхонанинг 10 кишилик жамоаси шу йил бошидан буён 123 миллион сўмлик сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, миқдорларга етказиб беришга эришди.

2010 йил 29 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2010 йил 1 октябрдан киритиладиган кўмир учун декларация қилинган нархларни қайд этиш 19-03-22-05-0'zR-36-2010-сонли реестрни тасдиқлади.

Монопол бйрлашма (корхона) номи	Маҳсулот номи	Ўртача ҳисобланган меъёри, %		Ўлчов бирлиги	ҚҚС билан 1 тонна маҳсулотга улгуржи нарх, сўмда
		Куллик	Намлик		
"O'ZBEK-KO'MIR" OAJ	2 ВРК 50-300 (200)				
	Бюджет ташкилотлари учун	14,4	35,8	тонна	15 900
	Биржа орқали	14,4	35,8	тонна	28 880
	Аҳоли учун	14,4	35,8	тонна	28 880
	2 BOMSSH 0-50	23,8	35	тонна	35 960
	2 BOMSSH-B-1 0-50	32,5	35	тонна	27 700
	2 BOMSSH-B-2 0-50	46,7	35	тонна	16 180
	2 BR 0-300 (200)				
	Бюджет ташкилотлари учун	21,8	35,5	тонна	25 150
	Биржа орқали, бошқа истеъмолчилар учун	21,8	35,5	тонна	35 300
	2 BR-B-1 0-300 (200)	32,5	35,5	тонна	26 970
	2 BR-B-2 0-300 (200)	46,7	35,5	тонна	14 800

#### Изоҳ:

- Маҳсулот кули ва намлиги бўйича ўртача ҳисобланган меъёри фоиз ҳисобида GOST 8298-89, GOST 8302-87, Tsh 12-17:2007, Tsh 12-18:2007, GOST 8297-87 га мувофиқ ўрнатилган. Кўмир сифатли бўйича ўзгариш бўлганда, чегирини (ёки қишлоқ) меъёрлари № 03-01-1988 прейскурант бўйича қўлланилади. Кул бўйича ҳар бир фоиз кўпайиши ёки қамайишига белгиланган нархдан 2,5%, намлик бўйича 2,0% миқдорда.
- Ушбу тарифлар кучга кириши билан 2010 йил 1 апрелдан амал қилган тарифлар (2010 йил 30 мартдаги 19-03-22-05-0'zR-13-2010-сонли реестр) ўз кучини йўқотди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Б. ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири.

# САЙЁҲЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).



режиссори Золтан Шомоги. — Биргина Самарқанддаги жаҳон андозаларига жавоб берадиган замонавий аэропорт, темир йўл вокзали, меҳмонхоналар, сайёҳлик компания ва фирмалари фаолияти Буюк Ипак йўли чорраҳасидаги бу шаҳарда туризм хизмати тобора ривожланиб бораётганидан далолат беради. Регистонда ўтаётган мазкур халқаро тадбир, ўз навбатида, жаҳонда туризм янада ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Анжуманнинг очилишида Самарқанд вилояти ҳокими Ҳ. Барноев иштирок этди.

**Абдурусул САТТОРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимизда 9 — 14 октябрь кунлари ўтказиладиган “Art Week Style.Uz” санъат ҳафталиги Ёшлар ижод саройидаги “TashkentALE — 2010” бешинчи халқаро Тошкент фотобиеннаlesi билан бошланади.

## САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ ФОТОБИЕННАЛЕ БИЛАН БОШЛАНАДИ

“Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилаётган ушбу халқаро кўргазмада ўзбекистонлик фотосуратчилар билан бирга, қирқдан зиёд мамлакат фото усталарининг асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

маънавий меросимиз мазмун-моҳияти билан хорижликларни ҳолис ва ҳаққоний таништиришда фото санъатининг аҳамияти беқиёс. Мазкур

сазовор бўлмоқда. Мазкур халқаро кўргазма ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, замонавий фотография санъатининг сунгги янгиликларидан бохабар бўлишда яна бир қулай имкониятдир.

“TashkentALE — 2010” бешинчи халқаро Тошкент фотобиеннаlesi-сига юрти-

миз фотосуратчилари билан бирга, АҚШ, Аргентина, Бангладеш, Венгрия, Франция, Россия, Украина, Италия, Канада, Озарбойжон, Швеция, Чехия, Литва, Эрон каби давлатларнинг энг мохир фотографлари томонидан икки мингдан зиёд ижодий иш тақдим этилган. Улардан саккиз юзга яқини Тошкент ва Самарқанддаги музейлар, тасвирий санъат галерейлари ҳамда кўргазма залларида намойиш этилади.

**Назозат УСМОНОВА,**  
ЎЗА мухбири.

# ТОШКЕНТДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF) 1973 йилда ташкил этилган. Унинг “пумсе” ва “кёруги” сингари икки йўналиши мавжуд. Бугунги кунда дунёнинг 191 мамлакатда таэквондо бўйича миллий ассоциациялар фаолият кўрсатмоқда. Жаҳондаги ўн миллион нафардан зиёд ёшлар мазкур спорт тури билан мунтазам шуғулланади. 2000 йили таэквондо (WTF)нинг “кёруги” йўналиши Олимпиада ўйинлари дастурига расман киритилди. 1993 йилда Ўзбекистон таэквондо ассоциациясига асос солинди. Айнан шу йилдан бошлаб спортчиларимиз таэквондо бўйича турли халқаро мусобақаларда фаол қатнашиб келмоқдалар.

Жорий йилнинг март ойда Мексикада ташкил этилган Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF) ижроия кўмитаси йиғилишида чемпионати Тошкентда ўтказиш таклифи қўрилган. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда спортнинг ушбу тури жадаллик билан ривожланаётганидан, бу борада эришилган ютуқларнинг халқаро миқёсда тан олинаётганидан далолатдир. Фикримизни қуйидаги статистик маълумотлар ҳам исботлайди: агар юртимизда таэквондо федерацияси фаолият бошлаган 1993 йилда 500 нафар йигит-қиз шў спорт тури бўйича машғулотларда қатнашган бўлса, бугун уларнинг сони 28 минг нафарга яқинлашди.

Утган йили Тошкентда таэквондо спорт мажмуаси қурилишининг биринчи боқичи яқунланди. Мажмуада машғулотлар ва мусобақалар ўтказиш учун барча шарт-шароит мавжуд. Ушбу йўналишда мутахассисларни тайёрлаш ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида таэквондо бўлими очилди. Ўз навбатида, спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи ҳам ортиб бормоқда. Бундан икки йил муқаддам Пекинда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида Евгения Каримова ва Азамат Эргашев юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Яқинда Козогистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган Осие чемпионатида эса вакилларимиз иккита кумуш ва тўртта бронза медалини қўлга киритдилар.

Тошкентда ўтаётган жаҳон чемпионати олдидан уюштирилган Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF)нинг Бош Ассамблеяси йиғилишида мусобақалар қондиқисига бир қанча ўзгаришлар ҳам киритилди.

— Яқин биласиз, таэквондода зарбалар жуда тез ба-  
жарилади, шу сабабли айрим ҳолларда ҳакамлар томонидан спортчиға балл қўйишда адашшилар ҳам бўлиб туради, — дейди Халқаро Олимпиада кўмитаси аъзоси, Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF) вице-президенти Иван Дибос (Перу). — Бундай ҳолат кўпчилик торттишларга, ортика ташвишларга сабаб бўларди. Энди мусобақа жараёнида ўз шогирдининг ба- жарган машқига ҳакамлар томонидан балл қўйилмаса, мураббий эътироз билдиришга ҳақли. Бундай пайтда мусобақа тўхтатилади, уша жараён видеотасвир орқали тезда кўриб қилиб, муҳокама қилинади ва мураббий ҳақ бўлса, балл унинг шогирдиға олиб берилади. Бу, ўз навбатида, беллашувларнинг янада адолатли ўтишиға хизмат қилади. Мусобақа ўтадиган гилам ҳажми ҳам 10/10 метрдан 8/8 метрга қисқартирилади. Бу ҳам спортчилар толиқиб қолишининг олдини олади.

Шунингдек, Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF)нинг Бош Ассамблеяси йиғилишида навбатдаги жаҳон чемпионати ҳамда 2012 йили Лондон (Буюк Британия)да ўтадиган XXX ёғки Олимпиада ўйинлари саралаш мусобақаларига мезбонлик қиладиган давлатлар номи маълум қилинди.

Унга қўра, кейинги жаҳон чемпионати Россиянинг Владивосток шаҳрида ташкил этиладиган бўлади. Осие Олимпиада саралаш мусобақаларига Таиланд пойтахти Бангкок шаҳри мезбонлик қилади.

Эслатиб ўтаимиз, пойтахтимизда ўтаётган V жаҳон чемпионатида дунёнинг 58 мамлакатидан 453 нафар таэквондочилар иштирок этмоқда. Улар 28 та олтин ва кумуш

ҳамда 56 та бронза медаллари учун яққалик, жуфтлик ва жамоавий “пумсе” баҳсларида кураш олиб борадилар.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатида тўлиқ таркиб — 21 нафар спортчи билан қатнашмоқда. Вакилларимиз совринли ўринларни қўлга киритишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилди. Юртдошларимиз бир йил давомида қўчайтирилган ўқув-машғулоти йиғинларида қатнашди. Шу давр мубойидада Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига таэквондо ватани — Жанубий Кореялик 8 нафар мутахассис машғулоти ўтказди.

Жаҳон чемпионатининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

**Эмдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## «ЭНГ МЕҲРЛИ КУТУБХОНАЧИ»

Қашқадарё вилояти кўзи оғизлар махсус кутубхонасида “Энг меҳрли кутубхоначи” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танловдан кўзланган мақсад қишлоқ жойларида яшовчи кўзи оғизларга кутубхона хизмати кўрсатиш даражасини юксалтириш ҳамда билимдон, тажрибали кутубхоначиларни аниқлашдан иборат эди. Иштирокчилар “Маҳорат сирлари”, “Касбим — фаҳрим” каби йўналишлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Танлов-

да Ғузор туманидаги кўзи оғизлар махсус кутубхонаси мудариси Санам Камолова биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Ғолиблар ва иштирокчилар ҳомиёлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Ф. БОЗОРОВ.**

## ХОСЕ КАРРЕРАС ЎЗБЕКИСТОНДА КЎЙЛАЙДИ

Жорий йил 9 — 14 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган “Art Week Style.Uz” санъат ҳафталиги доирасида 14 октябрь кунини “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида жаҳон опера юлдузи, испаниялик тенор Хосе Каррерас концерти бўлади.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда санъатнинг барча соҳаларини, жумладан, опера санъатини ривожлантиришга юксак эътибор қаратилмоқда. Бу борада эришилган ютуқларни кенг тарғиб этиш, санъатнинг мазкур йўналиши ёрдамида ёшлар қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур синдириш, ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва бадий дидини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ҳамда жаҳон мусиқаси намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмаётган. Бунда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жаҳон операси юлдузларидан бири Хосе Каррераснинг Тошкентга ташрифи ҳам ана шу эътибор самараси, санъат соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг амалдаги ифодасидир.

Хосе Каррерас 1946 йили Испаниянинг Каталония провинциясида таваллуд топган. Барселона консерваториясида пианино ва вокал бўйича таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 1979 йили Барселонадаги Лисео театрида бошлаган.

У 1988 йили лейкомиани даволаш бўйича тадқиқот ишларини молиялаштириш бўйича “Хосе Каррераснинг

**Надира МАНЗУРОВА,**  
ЎЗА мухбири.

## СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Бугун туғиш ёшидаги аёллар ва ғудаклар ҳаётига ҳавф солиши мумкин бўлган қатор оғир хасталиқларнинг олдини олишга эришилганлигининг ўзиёқ, мамлакатимизда эл саломатлигини асрашга юксак эътибор қаратилганлигидан далолатдир.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори устувор аҳамият касб этмоқда. Унга мувофиқ, кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзига риоя қилишни тарғиб этиш, репродуктив саломатликни асраш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи бирламчи шифо масканлари фаолиятини янада жонлантириш каби муҳим вазифаларнинг изчил ижроси таъминланаётган.

Навоий вилоятида ҳам мазкур қарор ижроси бўйича оналар ва болаларга хизмат кўрсатувчи шифо муассасаларининг фаолиятини янада яхшилашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, аҳолининг

репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида самарали ишлар амалга ошириляпти. Ҳозир ҳудудда 136 та қишлоқ врачлик пункти фаолият

ОИВ ва ОИТС, А, С гепатити сингари инфекцияларни ўз вақтида аниқлаб, даво муолажаларини қўллаш имконини бермоқда. Бундан ташқари, ушбу

бехатар оналик, ғудак парвариши, она ва бола соғлиғига жиддий ҳавф солиши мумкин бўлган иллатларнинг олдини олиш каби долзарб мазсулар муҳокама қилинаётган ушбу тадбирлар кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасидаги ибратли ишлар сирасидандир.

Энг муҳими, ҳудуддаги барча бирламчи тиббиёт масканларида бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада жонлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Тиббиёт ходимлари, маҳалла маслаҳатчилари ва Саломатлик марказлари ҳамкорлигидаги тадбирлар асосида репродуктив саломатликни асрашнинг муҳим тамойиллари аҳоли, айниқса, ёшлар онгига чуқур синдириляпти. Баркамол авлод йилида эса тиббиёт олий ўқув юртларини битириб, ҚВП ва шифохоналарда фаолият бошлаган 33 нафар ёш шифокор ҳам ана шу эзгу ишларга бош қўшадиган бўлди.

Айни пайтда жойларда “Туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсимир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги” тадбирлари ўтказилмоқда. Мазкур ҳафталиқлар давомида Республика акушерлик ва гинекология илмий-амалий маркази мутахассислари, Бухоро ҳамда



кўрсатаётганлиги эътиборига лойиқ. Муҳими, уларнинг барчасида соғлом авлоднинг шакллантириш, бўлажак оналар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар ишчил ўтказилмоқда. Айниқса, олис чўл ҳудудларида истикомат қилувчи аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши янада яхшилаш мақсадида давлатимиз томонидан ажратилган “ISUZU” махсус ёпик юк ташувчи автомашинасида кўма дорихона фаолияти йўлга қўйилганлиги айни муддао бўлди.

тадбирларда акушер-гинеколог мутахассислар билан бир қаторда руҳшунос, кардиолог, терапевт, невропатолог, андролог, уролог, болалар невропатолог сингари шифокорлардан тиббий маслаҳатлар олиш мумкин.

**Юсуф МАЛИКОВ,**  
Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.  
Ҳасан ПАРДОЕВ  
олган сурат.

## ТАБАРРУК ОНАХОН ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Яқинда таниқли қорақалпоқ кинорежиссёри Тўранияз Қалимбетов, тасвирчи Ботир Дилмуратов ва бастакор Қурбонбой Заретдинов ҳамкорлигида “Уч аср ғувоҳи” номили ҳужжатли фильм тасвирга олинди.

Унда тўртқўлли табаррук онахон, 130 ёшли Тўти Юсупованинг ибратли ҳаёти тўғрисида хикоя қилинади. Айтиш кераки, онахон бундан икки йил бурун Президентимиз Фармонига қўра, юз ёшдан олган нурунийлар қаторида “Шухрат” медали билан тақдирланган эди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ОБ-ҲАВО (9 октябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмади. Кечаси 2-7 даража илик, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 4-9 даража илик, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 3-8 даража илик, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмади. Кечаси 6-11 даража илик, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га  
ЭЪЛОНЛАР  
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.  
9.00 дан 18.00 гача  
232-11-15,  
236-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамғармининг Хоразм вилояти филиали директори Комилжон Ибраимовга отаси Юсуфбой САПАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи  
Народное слово  
МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонучилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ  
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 40002 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.  
ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибхона 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.  
ISSN 2010-8788

ТАХРИРЯТГА КЕЛГАН КЎЗГАМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛАЙДИ.  
РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРЯТ ЖАВОБГАР ЭМАС.  
Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.  
Т-Тижорат материали  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА жўзи — 21.00  
Топширилди — 22.20  
1 2 3 5